

## “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деган эдилар. Дарҳақиқат, дунёда миллатимизнинг борлигини, мавқеини кўрсатадиган улугъ неъмат тилимиздир. Дунё саҳнида халқимизнинг нуфузи, шони, шарафи тилимизнинг мавжудлиги, ривожи билан белгиланади. Шу боис ҳам она тилимизни асраш муқаддас бурчимиздир. Бугунги кунда ҳар бир миллатдошимиз Ватанини, давлат рамзларини, ота-онаси, қавму қариндошини қандай эъзозласа, она тилимизни ҳам шундай эъзозлаши шарт. Бу ўзгармас қоидага, ҳаётининг мезонига айланмоғи даркор.

# ТИЛ — миллатнинг руҳи


Тилимиз бой тарихга эга. Она тилимиз сеҳру жозибаси Ўрхун-Энасой битикларида, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон ул-луғатит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарларида акс этган. Бу эса кўҳна тарих силсиласида тилимизнинг муносиб ўрни бор эканлигидан далолатдир. Аҳмад Яссавий ҳикматлари тилимизнинг бетакрор ифодасини кўрсатган. Лutfий, Саққокий, Атойи, Ҳайдар Хоразмий, Сайфи Саройи шеърятини эса тилимизнинг ривожига сезиларли ҳисса қўшган. Алишер Навоий ижоди Хусайн Бойқаро таъбири билан айтганда: “Турк тилининг ўлғон жасадиға Масиҳ анфоси бирлан руҳ кюрди”. Дарҳақиқат, Алишер Навоий она тилимизнинг бетакрорлигини исботлади, улкан чўққига олиб чиқди. Навоийдан кейин ҳам халқимизнинг улугъ шоирлари она тилимизда ижод қилиб, тилимизнинг боқийлигини таъминлашга ҳисса қўшдилар. Бобур, Машраб, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа соҳиб

каломлар бу борада маҳорат қозондилар. Тилимизнинг сермахсуллиги, жозибаторлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшдилар. Шу кунларда она тилимизга Давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигини кенг нишонламоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ушбу санани муносиб нишонлаш йўлидаги чинакам ватанпарварлик нишонаси бўлди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида она тилимизни асраб-авайлаш, уни кенг миқёсда қўлланилишига эришиш, илмфан тили сифатида мавқеини ошириш борасида жуда катта ишлар қилинди. Айниқса, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг (5 жилд) чоп этилгани, қатор луғатларнинг нашр қилингани, айниқса, 2016 йилда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг очилиши улкан воқеа бўлди. Дарҳақиқат, университет очилиши муносабати билан эълон

қилинган қарорда қилиниши лозим бўлган катта-катта вазифалар белгиланди. Бу вазифалар босқичма-босқич удаланмоқда. Кейинги 2-3 йилда она тилимизга бўлган эътибор янги сифат босқичига кўтарилди десак, муболаға бўлмайди. Муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир чиқишлари, маърузаларида тилимизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ҳар бир бўғиндаги раҳбар ходимларнинг она тилимизни пухта билиши лозимлиги, тилимизни асраб-авайлаш ишига муносиб ҳисса қўшишлари кераклиги, чет тилини билиб, она тилимизга беписанд назар ташловчилар бўлмаслиги жозилиги хусусидаги фикрлари ҳар бир жонкуяр миллатдошимизни қувонтирди. Бу каби эзгу амалларнинг исботи сифатида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳамид Олимов, Муҳаммад Юсуф, Исҳоқхон Ибрат, Огаҳий номидаги ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўргатадиган, адабиётимиз намуналарини чет тилларга

таржима қилишга ихтисослашган ижод мактабларини очилиши эса она тилимизни фузи ва ривожи йўлида ёшларни тарбиялаш ишларини асос, таянч вазифасини ўташга бу, албатта, ўзининг муносиб натижасини кўрсатади. Тилимиз тараққиёти хусусида тўхталар эканми, йўл қўйилаётган баъзи камчиликларни ҳам эътироф этишимиз даркор. Ҳали ҳам айрим ҳужжатларнинг рус тилида расмийлаштирилганлиги ҳоллари учун айтаёйми. Она тилимиз ҳақида қонуннинг 7-моддасида давлат тили расмий амал қилинадиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илм қоидалари ва нормалари риоя этилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Айрим телекўрсатув, радио эшиттиришларда шева сўзларини бемалол аралашиб кетаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Демоқчимизки, телевидениериода, маданий-маърифий тадбирларда, матбуот саҳифаларида қонунда таъкидланганидек, соф ўзбек тилида сўзлаш, ёзиш қарз ва фаршартдир. Зеро, адабий тилининг нормаларига риоя қилинуниги софлигини таъминлашга хизмат қилади. Тилнинг бутун сеҳру жозибаси, латофати бадий асарларда намоён бўлади. Адабиёт — тилнинг бадий воқеаланиши сифатида тил равишига хизмат қилади. Бирок орамизда бадий китобга қа





ор-  
л-  
из-  
дай

ма қилишга ихтисос-  
ан ижод мактабларининг  
ши эса она тилимиз ну-  
ва ривожи йўлида  
рни тарбиялаш ишига  
таянч вазифасини ўтади.  
батта, ўзининг муносиб  
асини кўрсатади.

имиз тараққиёти хусуси-  
хталар эканмиз, йўл  
аётган баъзи камчилик-  
хам эътироф этишимиз  
р.  
и ҳам айрим хужжатлар-  
ус тилида расмийлаш-  
аётганлиги ҳоллари уч-  
Она тилимиз ҳақидаги  
нинг 7-моддасида дав-  
ли расмий амал қила-  
доираларда ўзбек ада-  
лининг амалдаги илмий  
лари ва нормаларига  
тилиши зарурлиги ало-  
аъкидланган. Айрим те-  
сатув, радио эшитти-  
рда шева сўзларининг  
л аралашиб кетаётган-  
инкор этиб бўлмайди.  
чимизки, телевидение,  
да, маданий-маърифий  
ларда, матбуот саҳи-  
да қонунда таъкидла-  
к, соф ўзбек тилида  
и, ёзиш қарз ва фарз,  
р. Зеро, адабий тил  
ларига риоя қилиш  
софлигини таъминлаш-  
ат қилади.

нинг бутун сеҳру жози-  
атофати бадий асар-  
намоён бўлади. Адаби-  
илнинг бадий воқеа-  
сифатида тил равна-  
измат қилади. Бирок  
да бадий китобга кам

муружаат қиладиганлар, ҳатто  
ўзбек тили ва адабиёти фа-  
нидан сабоқ берадиган муал-  
лимлар орасида ҳам мумтоз  
ва замонамиз ижодкорлари  
асарларини мутолаа қилмай-  
диганлар учраши кечирилмас  
ҳолдир. Лотин имлосига ўтга-  
нимиздан кейин кирилчадаги  
“х” ва “ҳ” ҳарфларини аниқ  
фарқлай олиш мақсадида лот-  
тин имлосида улар учун бир-  
бирига ўхшамайдиган алоҳи-  
да белгилар қабул қилинган.  
Бирок, афсуски, уларни фарқ-  
лай олмаслик ҳоллари ҳануз-  
гача давом этаётир. Ёки “нинг”  
ва “ни” кўшимчаларини қачон,  
қай ҳолатда қўллаш лозимли-  
гини билмайдиганлар бор.

Баъзан паронимларни қўл-  
лаш билан боғлиқ хатоликлар-  
га йўл қўйилаётгани кишини  
ранжитади. Бу эса қўпол ха-  
толикни келтириб чиқаради.

Она тилимизни асраб-авай-  
лаш, унинг софлигини таъмин-  
лаш борасида университет-  
мизда жуда катта ишлар  
қилинмоқда. Университет фи-

Дарҳақиқат, улуғ шоирларимиздан бири “Тили борки,  
ўлмайди миллат”, деган эди. Биз мана шу ҳикматга амал  
қилган ҳолда миллатимизнинг умри боқийлиги, шон-  
шухрати йўлида она тилимизнинг софлигини таъминлаши-  
миз, кўз қорачиғимиздай асраб-авайлашимиз лозим. Шун-  
дагина авлодлар биздан рози бўлади, келажак олдида  
юзимиз ёруғ бўлади.

**Санжарбек ДАВЛЕТОВ,**  
**УрДУ ёшлар билан ишлаш бўйича проректори,**  
**тарих фанлари доктори, “Адолат” СДП фаоли,**  
**Дилшод ФАЙИПОВ,**  
**УрДУ филология факультети декани,**  
**филология фанлари номзоди, доцент**

логия факультети профес-  
сор-ўқитувчилари, талаба-  
ёшлари вилоятимиз бўйлаб  
тарғибот-ташвиқот ишларида  
фаол қатнашмоқдалар. Газе-  
та, журналлар, телевидение-  
да мунтазам равишда тилшу-  
нослигимизнинг долзарб ма-  
салалари, она тили ва ада-  
биёти таълими борасидаги  
муаммолар борасида чиқиш-  
лар қилиб келишмоқда. Тала-  
ба-ёшларнинг саводхонлигини  
ошириш, фикрлаш қобилият-  
ларини яна ҳам ўстириш мақ-  
садида доимий тарзда иншо-  
лар танлови ўтказилмоқда.  
Оммавий диктант ёзиш кун-  
лари ташкил қилинмоқда. Ҳар  
ойда бир маротаба “Шеърят  
шоҳсупаси” лойиҳаси ўткази-  
либ, улуғ шоирларимиз ижо-  
ди, хусусан, шеърят буйича  
бадий кеча, кўрик-танлов  
тарзида ўтказилиб, талаба-  
ёшларимизнинг она тилимиз,  
адабиётимизга бўлган меҳр-  
муҳаббатларини оширишга  
ҳаракат қилмоқдамиз ва ютуқ-  
ларга эришмоқдамиз.

**Гадбир**

Ўзбекистон Республикаси Прези-  
денти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникация-  
лар агентлигида Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги томонидан ташкил  
этилган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**Олий таълим тизимида  
туб бурилиш**

Таъкидланишича, яқин келажакда респуб-  
ликаимизнинг яна 10 та олий таълим муасса-  
саси халқаро эътироф этилган ташкилотлар  
рейтингидан ўрин олиши кутилмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон миллий универ-  
ситети ва Самарқанд давлат университети  
мамлакатимиз олий таълим муассасалари-  
нинг флагманига айланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим  
тизимини 2030 йилгача ривожлантириш кон-  
цепциясида олий таълим соҳасида давлат-  
хусусий шерикликни ривожлантириш, худуд-  
ларда давлат ва нодавлат олий таълим му-  
ассасалари фаолиятини ташкил этиш, соҳа-  
да соғлом рақобат муҳитини яратиш назар-  
да тутилган. Шунингдек, халқаро стандар-  
лар ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори  
малакали, замонавий билим ва кўникмалар-  
га эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпар-  
вар, профессионал кадрларни тайёрловчи  
етакчи таълим ва илм-фан маркази —  
Президент университети ташкил этилади.

Шу билан бир қаторда, олий таълим му-  
ассасалари мустақиллиги жорий этилади,  
яъни босқичма-босқич республикаимизда  
фаолият юритаётган олий таълим муасса-  
салари қабул квоталарини ўз йўналишлари-  
дан ҳамда иқтисодиётнинг талабларидан ке-  
либ чиққан ҳолда мустақил белгилаш имко-  
нияти яратилади. Бир сўз билан айтганда,  
Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий  
Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга  
оширувчи ҳабга айлантирилади.

2019 йили аҳолини олий таълим билан  
қамраб олиш даражаси жами битирувчилар  
сонига нисбатан 20 фоизни ташкил этган  
бўлса, 2030 йилга бориб 50 фоиздан оша-  
ди. Нодавлат, шу жумладан, давлат-хусусий  
шериклик шартлари асосида олий таълим  
муассасалари сони 35 тага етказилади. Кре-  
дит-модуль тизими жорий этиладиган олий  
таълим муассасалари сони ҳам ҳозирги 2  
тадан 85 тага кўпаяди.

Концепцияда талаба-ёшларнинг таълим-  
тарбияси учун қўшимча шарт-шароитлар яра-  
тишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар-  
ни ўз ичига олган бешта ташаббусни ама-  
лиётга татбиқ этиш ҳам кўзда тутилган.